
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
Союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980 10

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

А. Орипов. Ҳаким ва ажал. Достон 3

ЯНГИ ҲИКОЯЛАР

Ф. Мусажонов. Кулгини севадиган одам. Ҳажвия . 17
Ҳ. Убаев. Дадажон, сизга ишонаман 20
З. Туманова. Хирмон фасли. Минг иккинчи кеча. . . 23
Ч. Бойбўсинов. Мактуб. Эзгулик. 33
С. Сиёев. Оғир вазнли жанжалкаш. 37

ШЕЪРЛАР

А. Йўлдошев. Юрагимда севги лиммо-лим. . . . 49
К. Тошманбетова. Йўл бошидаги ўйлар. 50
Н. Баракаев. Яйловда. 53
А. Убайдулла. Бир дарахтнинг икки шохи. 54
Холис. Ватанимда. 55
Д. Матчон. Тўлқин бўлиб жўшгим бор. 57

О. Мухторов. Учқур поездлар. Қисса. 58

М. Али. Боқий дунё. Шеърий роман. 92

Н. Сафаров. Момакалдироқ. Роман. Давоми. . . 106

Ҳ. Саъдулла. Қурбонлар. Достон. 154

Назармат. Генерал Норхўжаевнинг хотиралари. . . . 169

КПСС XXVI ВА ЎзКП XX СЪЕЗДЛАРИ ОЛДИДАН

А. Қуронбоев. Сув достони. Очерк. 171

Ж. ЖАББОРОВ 50 ЁШДА

М. Сафаров. Гўзаллик куйчиси. 190
А. Орипов. Олижаноб туйғулар шоири. 195

СЪЕЗД ОЛДИ ГУРУНГИ

Ҳ. Ғулом. Ижод — олий мақсадга интилиш. . . . 196
У. Норматов. Ютуқлар, орзулар, таклифлар. . . . 198
Г. Нуруллаева. Шеърият ҳақида ўйлаяпман. . . . 200
П. Шермуҳамедов. Етмишинчи йилларни кузата туриб. . 202
С. Мирзаев. Насримизнинг баланд парвози. . . . 203
Т. Сулаймон. Халқимизнинг кайнар булоқлари. . . 205
Н. Худойберганов. Ўсиш, ўзгариш уфқлари. . . . 208

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

О. Абдуллаев. Ижод оламининг сеҳри. 211

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Тоғаев. Ижодда давр садоси. 218
Р. Иноғомов. Русгавелидан илҳом олиб. 222
Ф. Сулаймонова. Ўрта Осиё қадимий юнон адабиётида . 226

ТАҚРИЗЛАР

Э. Бобоев. Муҳаммад Иқбол Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири 232
М. Назаров. Табаррук меросни ардоқлаб. 234
М. Мадраҳимова. Бахшининг ижод йўли. 237
М. Мирражабов. Тиниқ туйғулар. 238

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулчеҳра Нуруллаева

ШЕЪРИЯТ ҲАҚИДА ЎЙЛАЯПМАН

Шеърият ҳақида ўйлаяпман... Зеро у ҳаёт қатламларининг, қалб қатламларининг ҳали очилмаган ўринларини топишдан, ҳали кўз тушмаган нуқталарини излашдан, ҳали айтилмаган сўзларини кашф қилишдан иборат эмасми?! Ҳаёт эса жуда мураккаб, қалб эса жуда соҳир... Сўз санъаткорларининг санъаткорлиги шундаки, улар бу мураккаблиқ моҳиятини қалб кўзи билан кўрган ҳолда очиб берадилар, соҳирликни ақл тарозисида минг бор ўлчаб кашф этадилар.

Шеърият ҳақида ўйлаяпман... Зеро у ҳаётни, қалбни доимо оқимлар қучоғида, зиддиятлар силсиласида, курашлар оғушида кўриш дегани эмасми?! Бу оқимлар, бу зиддиятлар, бу курашлар бўлмаса, ҳаёт аллақачон ўсиб-ўзгаришдан тўхтаб, бир жойда туриб қолмасмиди?!

Мен: «Ҳаёт, сен ниҳоятда гўзалсан, ниҳоятда силлиқсан, ниҳоятда яхшисан» қабилидаги шеърларни кўп ўқиганман, минг афсуски, уларга тақлид қилиб ўзим ҳам машқлар қилганман. Бундай шеърлардан, бахтга қарши, ҳали-ҳамон у ер-бу ерларда ўқиб турамиз. Адабиётшунослар тили билан «риторика» деймиз бундай шеърларни. Уларда сўз бор-у, ҳис-туйғу бўлмайди, ҳаёт ҳақидаги гап бор-у, унинг жўшиб турган юраги бўлмайди. Бундайларда ҳаёт шунчаки баён қилинади, холос, қатлам-қатламлари, ҳужайра-ҳужайралари очилмайди.

Бахтимизга яхши шеърлар бундайларни тобора сиқиб чиқаряпти. Мен яқинда, учрашувлардан бирида шоир Омон Матжоннинг шеър мухлисларига ўқиб берган янги шеърларидан бирини эшитдим. Ҳали-ҳануз шу шеър таъсиридаман. Гарчи шеър мазмунини оддий сўзлар билан ифодалаш ножоиз бўлса-да, муаллифидан узр сўраганим ҳолда шеърни ўз сўзларим билан эслаб ўтмоқчиман: инқилобдан кейин чет элга қочган амир Олимхоннинг кексайганида кўзи ожиз бўлиб қолади. У яқинларига: мени Амударё бўйига олиб боринг, дейди. Шоир кекса, кўр амирнинг Амударёни тавоф қилиш истагига тушиб колгани сабабларига саволли нидолар ёрдамида ўз муносабатини билдиргани ҳолда шеърни мана бундай якунлайди:

Лекин «Амир келди!» деса, дарёдан
Чиқмасму кўк сари солиб дод-фарёд
Қувғинлар, харамлар, зиндонлар
ҳасми —
Бебаҳра, ҳуқуқсиз, тўзғиган авлод?!

Халқим, тилсиз бардош ҳам умид
билан
Кимники кўтарсанг тахти аълога
Ҳали кўзлари кўр бўлмасдан бурун
Тавофга олиб бор Амударёга.

Жуда яхши шеър, ўйлатадиган, босган ҳаёт йўлингга назар ташлатадиган, қалбни ларзага соладиган шеър!

Истеъдоднинг ёши ҳам, миллати ҳам бўлмайди. Истеъдодли асар ҳамма даврники, ҳамма халқники, ҳамма миллатники. Мен фақат бу ерда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева каби қатор талантли шоирларимиз асарлари ҳали-ҳанузгача асосан республикамиз доирасида қолиб кетаётганини афсус билан айтгим келади. Тўғри, уларнинг айримлари таржима қилиняпти. Лекин таржимада оригиналдаги жозиба, салмоқли фикр, ҳарорат, самимиятни сақлашнинг уддасидан чиқишолмаяпти чоғи. Ҳатто талантли шоира Римма Казакова ўзи таржима қилгани ўзбек шоиралари ҳақида мен билан фикрлашар экан. «Гапнинг очиғи, Ҳалимани кўнгилдагидай таржима қила олмадим. У таржимага қараганда чуқурроқ»,— дея очиқчасига эътироф этгани эсимда.

«Насрнинг таржимони — муаллифнинг қули. Назмнинг таржимони — муаллифнинг рақиби»,— дейишади. Шундай экан, наҳот таржимонлар орасида ўзбек шеъриятининг мусиқий торларини жаранглатадиганлари бўлмаса?! Бор. Фақат топа олмаётган кўринамиз чоғи. Ёки топсак ҳам улар ўртача асарларни таржима қилиш билан банд эмасмикинлар?! Қайси бир ўртамиёна асарларимизнинг бутуниттифоқ аренасига чиқиб қолаётгани кечирарли ҳолмикин?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бутуниттифоқ миқёсидаги баъзи мукофот, унвонларга сазовор бўлаётганлар ижоди билан таниша туриб: «Ўзбек адабиётимиздаги фалончиларнинг булардан қоладиган жойи йўқ-ку, ҳатто ўтади ҳам...» дегинг келади. Демак, биз ўз ютуқларимизни бор бўй-басти билан бутуниттифоқ ўқувчисига кўрсата олмаётган бўлсак керак-да. Гап мукофотда эмас, гап ҳақиқатда. «Истеъдодга ёрдам бериш керак,— деган эди ажойиб рус шоири А. Твардовский,— истеъдодсизлар эса ўзига ўзи йўл очишга устаси фаранг бўлишади».

Баъзи ҳиссиз, фаҳм-фаросатсиз ёзилган асарларни, китобларни ўқиб, ғижинасан-у, бу ўша «ўзига ўзи йўл очиш» оқибати эканини ўйлаб кетасан. Мен баъзи асарларни фақат муаллифининг ўзи-ю, бечора корректор, редакторларгина ўқишса керак, деб ўйлайман. Бирлари — ўз ижод маҳсули бўлгани учун, иккинчилари эса хизмат юзасидангина ўқисалар керак.

Бундай асарларнинг баъзиларини мен ҳам ўқийман. Муаллифига раҳмим келганидан эмас, йўқ. Балки у кимдан қанақа фикрни ўғирлаб олганини билгим келганидан... Абдулла Ориповда бир тўртлик бор. «Тақлидчи шоирга» деб аталади. Мана у:

Тақлид қила бергин, етса бардошинг,
Модомики, сенда бор экан ҳавас.
Фақат бир қора кун кўтариб бошинг,
Асл нусхаман, деб дод солмасанг
бас.

Мен ажойиб шеърлари билан ўқувчилар оғзидан тушмайдиган шоирлар қолиб, қаёқдаги қофиябозлар кўкларга кўтарилиб мақталганини кўрганимда Твардовскийнинг юқоридаги сўзларини яна бир бор эслайман. «Йўқ, йўқ,— хаёлан дейман истеъдод ва унинг соҳибларига,— сиз истеъдодсизликка пассив муносабатингиз билан унинг умрига янада умр қўшманг, аксинча, андаккина ҳафсала қилиб, унинг уддабуро қўллари тутган редакция, журнал, нашриёт эшикларини унга очишдан ўзингизни сақланг. Токи у истеъдод аталиб, ўзини шеърият шохсупасига ўтказиб олмасин. Токи у шеъриятдай тоза булоқни лойқатишдан тийилсин».

Шу маънода истеъдодли, тажрибали устозлар пассивлик қилмай, ҳамма гапни танқидчилар айтар демай, ташаббусни ўз қўлларига олсалар айни муддао бўларди. Ахир кўкларга кўтарилиб мақталаётган баъзи ёмон асарлар ҳақидаги ҳақиқат сўзини улар айтмасалар, ким айтади?! Камчиликларимизга муросасозлик — адабиётимизга бўлган лоқайдликнинг айни ўзгинаси эмасми?! Наҳотки биз ёмон — яхши асарларни аввало ўз элагимиздан ўтказиш ўрнига, уларни вақт ҳукмига ҳавола қилиб юраверсак?! Тўғри, вақт — беаёв ўқувчи, беаёв танқидчи. У саранн сарага, пучакни пучакка ҳеч қийналмай ажратиб ташлайверади. Лекин вақт ҳукмига ишониб, ўта пассивлик кўрсатиш — бизнинг адабиётдай, шеъриятдай улуғ саждагоҳга ҳурматсизлигимиз ифодаси бўлмасмикин?! Бугунга жон куйдирмаслигимиз — айни пайтда келажакка жон куйдирмаётганлигимиз эмасмикин?!

Мен ижодкорда ўз халқининг, ўз даврининг юраги, бу юракнинг бахту дардлари, орзу-интилишлари гупуриб туришини истайман. Ахир халқ ўзини, ўз юрагини ўзи англаб олиши учун ҳам шоирларини яратади-ку.

Лекин халқнинг ўзини ўзига англатиш — у ҳақдаги умумий сўзлардан иборат бўлмаса керак деб ўйлайман. Ўтган йили пахта, пахтакор мавзуида ҳиссиз, рангсиз бир асар эълон қилинди. Шу асар муносабати билан икки ижодкор орасида бўлиб ўтган суҳбатнинг шоҳиди бўлгандим:

— Асарни ўқидингизми? Қалай?

— Мавзуи яхши. Замонавий.

Наҳот замонавийликни шундай тушунсак?! Пушкиннинг «Мен сизни севардим. Севгим эҳтимол...» сатрлари билан бошланувчи шеърини ўқувчилар бугун ҳам зўр мароқ билан такрорлашар экан, ким уни нозамонавий дея олади?! Наҳотки замонавийлик мавзуда бўлса?! Иккинчи томондан, ижтимоий мавзулар қобилиятсизликнинг шеърият майдонида жавлон уриши учун наҳот ҳужжат бўлса?! Йўқ. Ёмон ёзилган асар — шеърият эмас. Ҳамма нарсанинг мезони — истеъдод экани маълум ҳақиқат-ку, ахир.

Шоирнинг айтар сўзи — бу бир авлоднинг келгуси авлодга ўзидан қолдирадиган руҳий васияти, кекса, дониш қалбнинг ёш, ниҳол қалбга айтар сўзи, сабоқлари деб биламан. Бу васият, бу сабоқлар келгуси авлодга кулги эмас, балки дастур бўлса эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi